
Кадастр агентлиги раҳбарияти Ўзбекистон туманида сайёр қабул ўтказди

Тасдиқланган режа-графикка асосан бугун Фарғона вилояти аҳолиси ва тадбиркорлар учун Кадастр агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Атабек Аллаберганов бошчилигида сайёр қабул ўтказилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлигида ташкилланган сайёр қабулда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари соҳага оид мурожаатларини баён этишди.



Қайд этилишича, қабул давомида 40 дан зиёд мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 15 дан ортиғи жойида ўз ижобий ечимини топган. Ўрганиш талаб этиладиган мурожаатлар эса, тегишли тартибда ижро назоратига олиниб, муддат ва масъуллар белгиланган.



2022-11-18 19:52:03